Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил
28 февраль
ЧОРШАНБА

№ 17
(11.924)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27 февраль куни Оқсаройда Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Мун Хаёнгни қабул қилди.

Мун Хаёнг 2004 йилнинг сентябридан буён мамлакатимизда фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарлари икки бор учрашдилар. 2005 йилнинг майида Корея Республикаси Президенти Но Мун Хаёнг давлат ташрифи билан Ўзбекистон Республикасига келди. 2006 йилнинг мартида эса Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи бўлиб ўтди.

Мазкур саммитлар икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини янада мустаҳкамлаб, ҳамкорликни кенгайтиришнинг янги имкониятларини очиб берди. Айниқса, 2006 йилдаги Сеул учрашуви якунида Президентлар Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзолаганини алоҳида таъкидламоқ жоиздир.

Ислом Каримов элчи билан суҳбатда ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳамда халқаро сиёсатга доир масалаларда мамлакатларимизнинг қарашлари ўхшашлиги икки давлат алоқаларини кенгайтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Жанубий Кореяни ўзининг энг ишончли шерикларидан, деб билади. Савдо ва сармоя борасида Корея Республикаси нафақат Осиё қитъаси, балки дунё миқёсида ҳам мамлакатимизнинг асосий ҳамкорларидан биридир. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йил Корея Республикасига давлат ташрифига қадар бу ўлкадан мамлакатимизга 1,5 миллиард АҚШ доллари ҳажмида сармоя киритилган бўлса, ташриф якунида имзоланган ҳужжатлар келгусида яна қўшимча 1,8 миллиард долларлик сармояни ўзлаштиришни назарда тутади.

Корея раҳбарияти Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни, хориж сармоядорлари учун яратилган қулай шароитни ҳисобга олган ҳолда, ўзаро иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жанубий Корея Марказий Осиё ва МДҲ мамлакатлари бозорларига чиқишда юртимиз имкониятларидан фойдаланишдан манфаатдор.

Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 600 миллион АҚШ долларидан ошди. Мамлакатимизда ўзаро шерикликда тузилган 138 қўшма корхона, Жанубий Кореянинг 37 йирик фирма ва компаниясининг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) ижтимоий соҳадаги алоқалар ривожига салмоқли ҳисса қўшаётир. Икки мамлакатнинг маданият ва санъат намояндалари ҳам биргаликда кўплаб тадбирлар ўтказиб келмоқдалар. Фанлар академиялари, Таълим, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари йўналишида алоқалар изчил ривожланмоқда.

Муносабатларнинг бундай даражага кўтарилишида Президентларнинг ҳамфикрлиги, ўзаро келишувлари муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, келишувларни амалиётга татбиқ этишда кўплаб соҳалар вакиллари, жумладан, дипломатлар самарали меҳнат қилаётганини ҳам таъкидламоқ жоиз. Мун Хаёнг ана шундай шахслардан биридир.

Учрашувда Президент Ислом Каримов икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш, халқларимиз ўртасида илмий, маданий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги хизматлари учун Корея Республикаси элчиси Мун Хаёнгга Ватанимизнинг "Дўстлик" орденини топширди.

М.Хаёнг юксак эътибори учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Ўзбекистондаги фаолияти самарали кечгани ва юқори баҳоланганидан мамнунлигини, юртимизда ўтказган йилларини унутмаслигини таъкидлади.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

Наврўз умумхалқ байрамини кенг нишонлаш тўғрисида

Энг қадимий ва асл миллий қадриятларимиздан бири бўлмиш Наврўз мустақиллик йилларида юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар учун том маънодаги умумхалқ байрамига айланди. Наврўз руҳи ва фалсафаси одамзотни табиат билан уйғун яшашга, жамиятимизда меҳр-оқибат, дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан айниқса эътиборлидир.

Кейинги пайтда бу байрамни барча ҳудуд ва минтақаларимизда, маҳалла ва меҳнат жамоаларида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 мартдаги 128-қарорида белгиланган тартибда, маҳаллий иқлим ва табиий шароитдан келиб чиққан ҳолда, катта шодиёна билан нишонлаш яхши анъанага айланиб бормоқда.

Бу йилги Наврўз байрамини ҳам ҳар томонлама юксак даражада, уюшқоқлик ва кўтаринки руҳда ўтказиш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида:

1. Мустақиллик куни ва Наврўз умумхалқ байрамларини ташкил этиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи Республика комиссияси (Ш.Мирзиёев) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Наврўз байрамини ҳамда байрам томошаларини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий, маданий-маърифий ишлар дастурини, жойларда жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва уларнинг амалга оширилишини таъминласин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика "Маҳалла" жамғармаси, Республика Маънавият тарғибот маркази ва бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда жойларда байрам тадбирларини халқ сайиллари ва оммавий спорт ўйинлари шаклида ташкил этиш, уларда аҳолининг кенг қатламлари иштирок этишини таъминлаш мақсадида турли кўрик-танловлар уюштирсин;

ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини очиб беришга қаратилган суҳбат ва учрашувлар, маърифий тадбирларни ташкил этсин;

байрам тадбирларига фольклор гуруҳлари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, оилавий ансамбллар, бахши шоирлар, шунингдек, профессионал ижрочилар ва истеъдодли эстрада хонандаларини танлов асосида жалб этсин;

муҳим саноат иншоотларида ва ижтимоий объектларни Наврўз умумхалқ байрамигача ишга туширишни ўз вақтида тугаллаш учун тегишли тадбирларни белгиласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг "Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 2003 йил 13 январдаги 15-қарори талаблари асосида Наврўз умумхалқ байрамини ўтказиш учун жойларда жамоат тартибини сақлаш, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўрсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

5. Республика "Маҳалла" жамғармаси, вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар ҳамда жамоатчилик вакилларининг 2007 йил март ойида мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини ҳамда 10-11 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Маҳаллаларни ободонлаштириш, "Ижтимоий ҳимоя йили" дастурида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш, хусусан, "Меҳрибонлик", "Саховат", "Мурувват" уйлари ва бошқа ихтисослаштирилган муассасаларнинг моддий-техник базасини яхшилаш ва уларни зарур асбоб-ускуналар, инвентарлар билан жиҳозлашга ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида вазирликлар, идоралар ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхоналар, ташкилот ва муассасалар ишчи-хизматчиларининг "Маҳалла" хайрия жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари ҳисоб рақамларига бир кунлик иш ҳақи миқдорида маблағ ўтказиш тўғрисидаги ташаббуслари қўллаб-қувватлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Р.Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси, Ўрмончилик илмий-тадқиқот институти маҳаллалар ҳудудларини кўкаламзорлаштириш ва янги боғ-роғлар барпо этиш учун зарур бўлган манзарали ва мевали дарахт кўчатларини тегишли ташкилотларга буюртма асосида ўз вақтида етказиб беришни таъминласин.

7. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш борасида амалга оширилаётган ишларни кенг кўламда ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2007 йил 23 февраль.

БУ ДАМЛАР УНУТИЛМАЙДИ

Киши мактаб остонасига илк қадам қўйганини, биринчи устози ҳамда илк бор мутолаа қилган китобини ҳеч қачон унутмаса керак.

Зангиота туманидаги 38-умумтаълим мактабининг 1-«Б» синф ўқувчилари иштирокида ўтказилган «Саводхонлик байрами» улар қалбида ширин ва ўчмас хотира бўлиб қолса ажаб эмас. Ўқувчилар устозлари Шоҳиста Юсуповадан қисқа муддат ичида ўрганган билим ва кўникмаларини шу куни дастлабки синовдан ўтказишди. Маъноли шеърларни ёддан ўқишди, ўрганган ашула, рақсларини ҳамда саҳналаштирган томошаларини намойиш этишди.

Тадбирнинг юқори савияда ва кўтаринки руҳда ўтказилгани жажжи ўғил-қизлар учун ҳақиқий байрамга айланди.

Феруза ТЎРАЕВА.

«КАМОЛОТ» МАЛИКАСИ

Шу номли спорт мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Қизлар ўртасида ўзаро маданий-спорт алоқаларни йўлга қўйиш, спортнинг стол тенниси турини оммавийлаштириш мақсадида илк маротаба ташкил этилган мусобақада вилоятимиз шаҳар ва туманларидан 1991-1994 йилларда туғилган 42 нафар қизлар икки гуруҳда иштирок этишди. Биринчи гуруҳда зангиотали Жанар Сарсенова, иккинчи гуруҳда эса, юқоричирчиқлик Ольга Ким ғолибликни қўлга киритишди. Барча иштирокчиларга ҳамкор ташкилотлар томонидан совғалар берилди. Ғолиблар мусобақанинг республика босқичида иштирок этиш учун йўлланма олишди.

Саид ҲАСАНОВ.

«Ташаббус – 2007»

ТАНЛОВ – САРҲИСОБ МАЙДОНИ

Чирчиқ шаҳрида «Ташаббус-2007» танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Шаҳардаги «Кимёгарлар» маданият саройига вилоятимизнинг етакчи фермерлари, тадбиркор ҳамда ҳунармандлари тўпланишди. Айтиш жоизки, улар танловнинг вилоят босқичига катта чиғирикдан ўтиб келишган.

– Танловнинг мазмун-моҳияти ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни кўз-кўз қилиш эмас, – дейди танловни очар экан, вилоят ҳокими ўринбосари Наримон Ҳайитқулов. — Бу саҳна биз учун, соҳа вакиллари учун, қолаверса, иштирокчилар учун сарҳисоб майдонидир. Шу кунгача соҳада нимага эришилди-ю, қайси тармоқлар оқсамоқда, қандай муваффақият ва ютуқларимиз борлигини шу танлов кўрсатиб бераяпти. Унинг мавқеи йилдан йилга ортиб, янги номларнинг кашф этилаётганлиги, айниқса, қувонарлидир.

Маданият саройининг ўзида маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди. Йиғилганлар иштирокчилар томонидан ишлаб чиқарилган жами 1800 турдан зиёд маҳсулотларни кўриб, баҳо беришди.

– Ҳунармандчиликнинг этагидан тутиб, шу йўл орқали халқимга фойдам тегишида бу танловнинг ўрни катта бўлган, – деди зангиоталик қўли гул уста Ғайрат Раҳматуллаев. – Бу касбни танлашимдан аввалроқ танловни кўп бора кузатганман. У ердаги иштирокчиларнинг маҳоратини, меҳнатга яраша рағбатни кўриб, дилимга яхши ниятларни туккан эдим. Мана бир неча йиллардан бери ҳунарманд сифатида танловларда муваффақиятли иштирок этиб келаяпман.

– Корхонамизнинг оёққа туришида 150 миллион сўмлик имтиёзли инвестиция асқотди. Унинг ёрдами билан ҳозирги кунда конвейер роликлари, улар учун таянчлар, лабиринтли чанг ўтказмайдиган мосламалар ишлаб чиқараяпмиз. Авваллари булар Россиядан валюта ҳисобига келтириларди, – дейди Олмалиқ шаҳридаги «Таш-ква-транссервис» масъулияти чекланган жамият раҳбари Ўктамхон Ғуломов.

Танловда «Энг яхши тадбиркор» номига Тошкент туманидаги «Московские деликатесы» корхонаси муносиб деб топилди.

– Бу йил учинчи бор шу кўрикда қатнашишимиз, – дейди корхона директори Отабек Муталов. – Фаолиятимизни муносиб баҳолаб, рағбатлантиришганидан жуда хурсандмиз. Бу ютуқ биргина меники эмас, 150 кишилик жамоамизнинг меҳнатига берилган муносиб баҳодир.

Ўртачирчиқлик Тешабой Мирзакаримов энг яхши фермер сифатида тан олинди. У бошқараётган фермер хўжалиги 2003 йилдан буён фаолият юритаётир. Хўжаликнинг 143 гектар майдонида пахта, ғалла, шоли етиштирилади. Заминдорнинг айтишича, бу йил 100 миллион сўм соф фойда олиш кўзланмоқда.

– «Ташаббус»нинг муҳим жиҳати шундаки, у бизга маънавий мадад бериб келаётир. Республика босқичида ҳам туманим, вилоятим шаънини муносиб ҳимоялашга ҳаракат қиламан, – дейди «Энг яхши ҳунарманд» номига сазовор бўлган оҳангаронлик Зарифа Баҳодирова.

Шунингдек, «Энг яхши тадбиркор аёл», «Энг ёш тадбиркор», «Энг мурувватли тадбиркор», «Қишлоқларда турмуш маданиятини яхшилашдаги хизматлари учун», «Энг яхши экологик тоза маҳсулот учун» каби номинациялар бўйича ҳам ғолиб ва совриндорлар аниқланди. «Тадбиркорга кўрсатилган сифатли хизматлари учун» номинациясида қатор шаҳар ва туманлардаги ахборот-маслаҳат марказлари қиймматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Хуршида НАЗАРОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.
Даврон АҲМАД олган сурат.

Таҳририятдан: *Газетамиз саҳифаларида тадбиркорлик фаолияти, уни ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ёритиб келаётгани учун мухбиримиз Хуршида Назарова «Ташаббус – 2007» кўрик-танловининг вилоят босқичида «Энг яхши журналист» номинациясини қўлга киритди ва ташкилий қўмитанинг эсдалик совғаси билан тақдирланди. Мухбиримизни мазкур жараёнда муваффақиятли иштироки билан самимий муборакбод этамиз.*

Чирчиқ олимпия захиралари коллежининг ёпиқ спорт мажмуасида аёллар ўртасида бадиий гимнастика ва синхрон сузиш мусобақаси ташкил этилди.

МАҲАЛЛА АЁЛЛАРИ ЎРТАСИДА

50 метрга сузиш бўйича маҳалла хотин-қизлари ўртасида Альфия Шайдулина, коллеж талабалари орасида Раъно Маъруфова биринчи ўринни эгаллашди.

Ғолибларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Мўмин ИБОДОВ.

Янги анъаналар

ИБРАТЛИ ТАШАББУС

эҳтиёжманд оилалар рўзғорига қут-барака киритадиган бўлди

Юксак тараққиёт сари одимлаётган мамлакатимизда барча жабҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳияти авваламбор аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялашга қаратилгандир. Ўтган Ҳомийлар ва шифокорлар йилида аҳолининг кам таъминланган ва муҳтож қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга моддий ёрдам кўрсатиш борасида аниқ йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилди, мақсадли умуммиллий дастурлар ҳаётга татбиқ этилди. Юртбошимиз таклифи билан Ижтимоий ҳимоя йили деб ном олган бу йилда ҳам бошланган хайрли ва беғараз вазифалар кенг кўламда давом этаётир. Бинобарин, Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида қайд этилганидек, 2007 йилнинг юртимизда Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилингани алоҳида мазмун ва аҳамият касб этади. Бу борада қабул қилинган дастур ва режаларнинг бош мақсади – халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратишдан иборатдир. Айниқса, яқинлашиб келаётган меҳр-мурувват, саховат айёми ҳисобланган Наврўз байрами кезларида одамларга яхшилик ва эзгулик улашишнинг хосияти бошқачадир.

(Давоми 2-бетда).

Фуқаро муҳофазаси ўқув-машқлари

ҲАЁТ ХАВФСИЗЛИГИ ОМИЛЛАРИ

Мозийга юз тутган XX аср охири ва янги – XXI аср бошида дунёнинг у ёки бу чеккасида кўплаб фалокат, ҳалокат ёки табиий офатлар содир бўлмоқда.

Афсуски, бу нохуш ҳодисалар оқибатида вайронгарчиликлар юз бермоқда, инсонлар нобуд бўлмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири одамлар фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишнинг энг оддий қоидаларини ҳам билмасликларидир.

Зангиота туманида ўтган қўмондон-штаб ўқув машқлари фавқулодда вазиятларда юқоридаги каби хатоликларнинг олдини олишга қаратилди. Вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳамда раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази томонидан ўтказилган уч кунлик амалий машқларга туман фуқаро муҳофазаси тузилмалари ходимлари, техника воситалари жалб этилди.

Тадбир режасига мувофиқ, «Назарбек» маҳалласи ҳудудида туман фуқаро муҳофазаси раҳбарлар таркиби ҳамда тузилмаларининг табиий фавқулодда вазиятларни бартараф этиш бўйича қўмондон-штаб ўқув машқлари бошлаб юборилди. Овоз кучайтиргич мосламаси орқали махсус ажратилган машинада маҳалла кўчалари бўйлаб аҳоли огоҳлантирилди. Кейин барча аҳоли ва мактаб ўқувчилари маҳалла гузаридаги кўчириладиган аҳолини йиғиш пунктига тўпланди. Ҳар бир фуқаро рўйхатдан ўтказилиб, махсус ажратилган транспортларда қўшни қишлоқ ҳудудида жойлашган 3-умумтаълим мактабидаги кўчирилган аҳолини қабул қилиш пунктига олиб борилди.

Шу куни 12-умумтаълим мактаб-

(Давоми 2-бетда).

Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар

ОРЗУ ЙЎЛИДА

Ҳаётда ҳар ким ўз орзу-умидлари билан яшайди. Уларни рўёбга чиқариш учун ўқийди, ишлайди, курашади.

Лекин мақсадга эришишнинг йўллари кўп. Биров енгил-елпи йўл танлаб, унга эришишга интилади. Аммо яқинлашиб бораётган манзил-мақсади ҳар гал сароб бўлиб чиқаверади...

Дилобар Мусаева танлаган йўл мутлақо бошқача. У бояликдан қатъиятли, режали бўлиб ўсди, орзуларга етиш учун тинмай изланиш лозимлигини жуда барвақт англаб етди. Қибрай туманидаги 18-умумтаълим мактабида ўқиб юрган йилларидаёқ ташкилотчилик қобилиятлари намоён бўла бошлади. У Доно Ёқубова, Дилором Салимова сингари ўқитувчилардан катта-кичик тарбиявий тадбирларни ташкил этиш тажрибасини ўрганди. «Қизлар клуби»ни ташкил этиб, турли баҳс кечалари, учрашувлар, мароқли суҳбатлар ўтказди.

Кейин молия-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг ҳуқуқшунослик йўналишида ўқишни давом эттирди. Ўша йиллари ижтимоий ҳаётда фаоллиги билан ажралиб турди. Турли кўрик-танловларда муваффақиятли қатнашди.

Коллежни имтиёзли диплом билан битиргач, Тошкент Давлат педагогика университетининг тарих факультетида сиртдан ўқишга кирди. «Миллий истиқлол ғояси: ҳуқуқ ва маънавият асослари» йўналиши бўйича билим олиш билан бир вақтда 15-умумтаълим мактабида ҳуқуқшунослик ва миллий ғоя фанларидан дарс бера бошлади.

У мактабда «Сиз ҳуқуқингизни биласизми?» мавзуида мунтазам суҳбатлар, учрашувлар ўтказмоқда. Дилобар ташкил этган «Балли, қизлар!» баҳсўйинлари давраларда алоҳида қизиқиш уйғотади.

Дилобар Мусаева Зулфия номидаги Давлат мукофоти учун номзодлар танловининг туман ва вилоят босқичларида ғолиб деб топилиб, республика босқичида маданият йўналиши бўйича иштирок этишга йўлланмани қўлга киритди. У ўз орзулари сари қатъият билан бормоқда.

Ю. ЖУМАНИЁЗОВ.

Янги анъаналар

ИБРАТЛИ ТАШАББУС

Яқинда вилоятимизнинг Қибрай ва Тошкент туманларида ибратли ташаббус туфайли ўтказилган «Саховат» акциялари ҳам ана шу хайрли мақсадга қаратилди, десак муболаға бўлмайди. Бу тадбирларда ҳар иккала туманда фаолият юритаётган йирик корхоналардан тортиб, кичик бизнес субъектлари, тадбиркору фермерлар муҳтожларга беғараз кўмак кўрсатишдек олижаноб фазилатларини яна бир бор намойиш этдилар.

Сирасини айтганда, бу сафарги ташаббус узоқни кўзловчи, кам таъминланган оилаларга чинакам мадад берувчи, бир сўз билан айтганда, ҳар томонлама ибратли эканлиги билан ажралиб турса ажабмас.

Эрта тонгданоқ Қибрайдаги марказий ўйингоҳ туманнинг 12 та қишлоқ фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи кам таъминланган оилалар вакиллари, ёлғиз кексалар ҳамда саховатли фермер ва тадбиркорлар билан гавжум бўлди. Акция доирасида тумандаги 120 та муҳтож оилага 12 донадан бепул товуқ озуқаси билан бирга тарқатилди. Шунингдек, 180 хонадоннинг коммунал хизмат тўловларидан мавжуд қарзлари ҳам ҳомийлар томонидан тўлаб берилди. Тумандаги «Шарқ» акциядорлик жамияти 800 та, Ш. Рашидов номли жамият 1200 та, «Тошкентпарранда» фабрикаси 520 та товуқни, «Ғалла-Алтек» корхонаси 5 тонна омухта емни арзонлаштирилган нархда етказиб берди. Коммунал тўловларни қоплаш учун эса, тумандаги «ТашГРЭС» корхонаси 3 миллион, «Қибрай-Зародин» агрофирмаси ва «Имконплюс» корхонаси 2 миллион сўмдан, «Афсар» ва «Карвон» қўшма корхоналари 5 миллион сўм маблағ ажратди.

– Туман халқ таълими бўлими болажонларимиз учун 60 дона товуқ тортиқ этди, – дейди вилоят меҳрибонлик уйи бош шифокори Гулнора Тўхтаназарова. – Марказий шифохона эса уларни озуқа билан таъминлаб берди. Очиғи, бугунги тадбир ўз номига мос, ҳақиқий саховат айёми бўлди.

Тошкент туманида ташкил этилган акция ҳам ғоят кўтаринки ва байрамона руҳда ўтди. Шу куни 100 дан ортиқ эҳтиёжманд оилага товуқ ва парранда озуқаси тарқатилди, 72 та хонадоннинг коммунал тўловлар бўйича салкам 10 миллион сўмлик қарзлари тўлаб берилди. Айниқса, тижорат банкларининг сайёр кассалари ташкил этилгани коммунал тўловларни амалга оширишда қулайлик яратди.

– Атрофингда ҳар қадамда қўллаб турадиган, ёрдамини аямайдиган қўли очиқ, танти инсонлар кўплигини ҳис этиб яшаш катта бахт экан, – дейди Келес шаҳри, «Дўстлик» маҳалласида истиқомат қилувчи Ҳусниддин Содиқов. – Шундайлар бор эканки, рўзғоримизнинг камқўсти барҳам топаяпти. Энг қувонарлиси, уларнинг кўмаги беғараз, беминнат бўлаяпти. Анча вақтдан бери коммунал тўловлардан қарзимиз йиғилиб қолган эди. Улар бизни шу юқдан халос этишди. Электр энергия, табиий газ ва сувдан оиламизнинг 212 минг 400 сўмлик қарзини тўлаб беришди. Очиғи, қандай миннатдорчилик билдиришни ҳам билмай қолдим.

Гулчеҳра Олимова Қизғалдоқ қишлоғидаги Алишер Навоий маҳалласида истиқомат қилади. Кичиккина рўзғори, бир этак фарзанди бор. «Саховат» акциясида унинг оиласига ҳам ҳомийлар томонидан 10 та товуқ тортиқ этилди. Қувончини яширолмаган Гулчеҳра Олимова «Товуғимиз бор, энди дастурхонимизда тухум ҳам бўлади», дея қайта-қайта ташаккур билдирди.

– Аслида, инсоннинг кўнглини кўтариш, яхшилик улашиш у қадар қийин иш эмас. Аммо унинг савобини мисли кўрилмаган хазинага қиёслаш мумкин, – дейди маҳалла посбони, нафақахўр Эркин Эгамбердиев. Навоий бобомиз топиб айтганлар:

Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, каъба вайрон бўлса обод айлагай.

Айтиш мумкинки, мазкур акция доирасида кўплаб хонадонларга қут-барака кирди, камхарж оилалар қарз юкидан озод бўлди.

Ҳар икки тумандаги «Саховат» тадбирида вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Зиёвуддин Ниёзов иштирок этди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА:

тадбирдан лавҳалар.

Даврон АҲМАД, Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ФАОЛИЯТИНГИЗ ҚОНУНИЙ БЎЛСИН

Сўнгги вақтларда тадбиркорликка ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий жиҳатдан кенг йўл очиб берилаётир. Лекин, қизиғи шундаки, яратилаётган имкониятларни ҳар ким ўзича талқин этиб, фақат ўз манфаатлари учун билганича фойдаланаяпти. Баъзилар ҳалолликда гап кўп дея борига қаноат қилса, айримлар қинғир йўллардан юриб, бойлик орттириш пайида бўлишаётир.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори айнан ноқонуний йўллар билан кун кўришни афзал билаётганларнинг пайини қирқишга хизмат қилаётир. Энг аввало, ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида бизнинг солиқ инспекциямиз туман ички ишлар бўлими, прокуратура ҳамда «Деҳқон бозори» масъулияти чекланган жамияти билан бевосита ҳамкорлик қилмоқда. Бунинг учун чора-тадбирлар режаси белгилаб олинган.

«Оққўрғон деҳқон бозори» аввалларида ҳиссадорлик жамияти шаклида аҳолига хизмат қилар эди. 2003 йилнинг 20 сентябрида эса у масъулияти чекланган жамият мақомини олди. Ҳозирги кунда бозор 4 бўлимдан иборат. 631 та савдо нуқтаси мавжуд. Бозор ҳудудида тадбиркорларга қарор моҳияти ва унда кўрсатилган вазифалар юзасидан тушунтириш ишларини олиб бораяпмиз. Қолаверса, туман аҳолиси учун маҳаллий матбуот ҳамда гавжум жойлардаги эълонлар орқали тарғибот-ташвиқот олиб борилаётгани ўз самарасини бераяпти.

Бозорлар ҳудудида чет элда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан ноқонуний савдо қилаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига чек қўйиш мақсадида ҳам талайгина ишлар қилинмоқда. Шу йилнинг ўтган даврида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан биргаликда 11 та рейд ўтказилди. Улар натижасида 2 миллион 98 минг сўмлик товар-моддий бойликлари давлат фойдасига мусодара қилинди. Бу маҳсулотларнинг 1 миллион 795 минг сўмлиги чет элда ишлаб чиқарилганлиги аниқланди.

Ўтказилган текширувлар натижасида 45 нафар фуқаронинг ҳужжатсиз тадбиркорлик билан шуғулланаётганлиги маълум бўлди. Жумладан Равшан Холматов, Шуҳрат Абдурасулов, Дилором Ўрозова, Оксана Ловченко, Шуҳрат Орипов, Улуғбек Жуманов каби фуқаролар осон, аммо қинғир йўл билан даромад топишни маъқул кўрганлар. Улар тегишли ҳужжатларни ҳам вақтида расмийлаштирмаганлар. Ҳозир бу кимсаларнинг ноқонуний иши чора кўриш учун судга юборилган.

Фахриддин Турсунов, Алишер Абдураимов ҳамда Ш. Аҳмедова каби тадбиркорлар катта миқдордаги маҳсулотларни сифат сертификати ва ишлаб чиқариш белгисини тасдиқловчи ҳужжатларсиз сотаётганликлари фош этилди.

Айтиш мумкинки, ушбу қарорнинг таъсири ўлароқ қонунни четлаб ўтувчи фуқаролар ўтган даврга нисбатан анча камайган.

Бундан ташқари, ушбу қарорда деҳқон (озиқ-овқат) бозорлари, уларнинг филиаллари ҳудудида ноозиқ-овқат истеъмол товарлари билан чакана савдони фақат мажбурий тартибда назорат-касса машиналари орқали амалга ошириш белгилаб қўйилган. Ўтказилган рейдлар натижасида бу талабни бажармаётган шахслар ҳам аниқланди. Масалан, рейдда тадбиркор Фарида Розиқованинг ўрнига ўғли Дониёр Розиқов савдо қилаётганлиги, харидорга чек бермаганлиги ҳамда салкам 1 миллион сўм савдо пулини назорат касса машинасига кирим қилмаганлиги аниқланди.

Яна бир тадбиркор Бахтиёр Абдураззоқов 20 минг сўмлик тушумни банкка топширмаган. Бунинг устига унга тегишли 26 минг сўмлик маҳсулотнинг кирим ҳужжатлари йўқ. Унинг бу хатти-ҳаракатига нисбатан тегишли чора қўлланилди.

Шунингдек, текширувлар мобайнида тўрт ҳолатда алкоголь, уч вазиятда эса тамаки маҳсулотлари билан ноқонуний савдо қилаётган фуқаролар аниқланди. Улардан республикамизда ишлаб чиқарилган 87800 сўмлик ичимлик ҳамда 86650 сўмлик тамаки маҳсулотлари олиб қўйилиб, мусодара қилинди.

Мухтасар қилиб айтганда, тадбиркорликка бел боғлаган киши энг аввало, ошини ҳалоллаб ейиши лозим. Бунинг учун биргина йўл бор, у ҳам бўлса қонун билан ҳисоблашиш, унга сўзсиз бўйсунишдир. Ана шундагина уларнинг уйқусида ҳаловат, ҳамёнларида даромад бўлади.

Ботир МУЗАФФАРОВ, Оққўрғон тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи.

КЎЧАТ ЭК, БОҒ ЯРАТ

Ангрен шаҳрида боғ-ҳорги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари қизғин бормоқда.

– Наврўз байрами муносабати билан ўтказилаётган ҳашарларнинг ўзида 6 мингдан зиёд киши иштирок этмоқда, – дейди шаҳар ҳокимлигининг коммуникация ва қурилиш масалалари бўйича бош мутахассиси Анорбек Султонов. – Жумладан, 24-25 февраль кунлари даҳалардаги 15 километрга яқин сув йўллари тозаланиб, тартибга келтирилди. Умумҳашарига турли русумдаги жами 26 та транспорт воситалари жалб этилди, 180 тонна хазон ва бошқа маиший чиқиндилар чиқариб ташланди.

Шунингдек, 10 минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди, даҳа марказларида, маҳаллаларда янги гулзорлар, боғлар барпо этилди.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

ҲАЁТ ХАВФСИЗЛИГИ ОМИЛЛАРИ

– Ўқув машқларини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, – дейди вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази бошлиғи Ҳусниддин Аълоев, – фавқулодда вазият хавфи туғилганда ёки юзага келганда аҳолини тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш, офат оқибатларига баҳо бериш ҳамда олдиндан бажариладиган тадбирларни ўтказиш, раҳбарларнинг тадбирларни бошқариш қобилиятларини янада такомиллаштиришдан иборат. Шунингдек, фуқаро муҳофазаси тузилмалари шахсий таркибида қидирув-қутқарув ишларини, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва коммунал иншоотларни тиклаш-таъмирлашдаги амалий кўникмаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш туман штабида ҳар бир ташкилот амалий машғулотлари юзасидан ҳисобот жамланиб, мувофиқлаштириб борилди.

Ўқув машқларининг якунига асосан туман бошқарув органлари ва фавқулодда вазиятлар давлат тузилмалари ҳудудий тизими бўғинлари табиий фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳаракатларга тайёр деб баҳоланди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

МАКТАБЛАР КЎРКАМ ВА ОБОД

Қибрай тумани халқ таълими бўлими тасарруфидаги таълим муассасаларида ҳам баҳорги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари уюшқоқлик касб этмоқда.

Шу кунгача тумандаги умумтаълим муассасалари ҳудудларига 700 тупдан ортиқ манзарали, 500 тупга яқин мевали дарахт ниҳоллари, 2000 дан зиёд терак қаламчалари экилди. Янги гулзорлар барпо этиш учун махсус жойлар ажратилиб, экишга тайёрланмоқда. Мазкур жараёнда айниқса 26-, 27-, 28-, 30- ҳамда 10-мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари фаоллик кўрсатишаётгани боис, бу муассасалар ҳозир обод ва кўркам масканга айланди.

Алишер РАҲМАТОВ.

Бугунги кунга келиб, қўпорувчилик, халқаро терроризм каби уюшган ҳаракатлар ҳақида кўп гапирилаяпти. Гоҳ у, гоҳ бу давлатларнинг катта-катта шаҳарларида ботбот содир этилаётган портлашлар барчада ташвиш уйғотмоқда. Русми, испанми, индонез ёки арабми, қайси миллатга мансуб бўлмасин, дунёнинг қайси чеккасида яшамасин, ҳеч бир киши унинг таҳдидидан ишончли ҳимояланган дея олмаймиз.

ТЕРРОРИЗМ ҚАНДАЙ ҲАРАКАТ?

Аслида терроризм қандай ҳаракат? Унинг илдизлари қаерларга бориб тақалади? Унинг фожиали хуружларини бартараф этиш мумкинми?

Бу саволларга жавоб топиш учун тарихга назар ташлаш кифоя. Террор билан боғлик хатти-ҳаракатлар XVIII асрдаёқ Европада сиёсий ҳаёт тамойилига айланган эди. У зўравонликдан иборат бўлиб, бир гуруҳ шахслар учун ўз сиёсий мақсадларини рўёбга чиқариш воситаси бўлиб қолганди. Террорчилар давлат ва сиёсий арбобларга қарши суиқасдлар уюштиришар, шу йўл билан ҳокимиятни қўлга олишга уринишарди. Кейинчалик террорчилик ҳаракати кучайиб, оммавий қирғинбаротлар авж олиб кетди.

Эндиликда терроризм халқаро тус касб этди. Унинг на бирор жўғрофий чегараси, на миллати бор. Эътиқоди – зўравонлик. Замонавий қурол-аслаҳалардан фойдаланиш оқибатида эса, террорчилик ҳаракати қурбонлари кескин кўпайиб бораётир. Айтиш мумкинки, халқаро терроризм ҳозирги пайтга келиб жаҳон тараққиёти учун ниҳоятда хатарли уюшган кучга айланди.

Ўзбекистон ўз миллий мустақиллигига эришган дастлабки кунлардан бошлаб давлатимиз раҳбари халқаро терроризм, диний экстремизм таҳдидидан жаҳон ҳамжамиятини қайта-қайта огоҳлантириб келмоқда, унга қарши курашда барча кучларни бирлаштиришга даъват этмоқда. Бундай мурожаатлар хронологияси қуйидагича:

1993 йил 23 сентябрь. Шу куни БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессияси минбаридан янграган огоҳликка навбатдаги кучли даъватни жаҳон халқлари ҳамон қайта-қайта эслашмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ўшанда шу олий анжуманнинг минбаридан туриб жаҳон ҳамжамиятини афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилиш, тобора хатарли тус олиб бораётган наркобизнес, ақидапарастлик, экстремизм, терроризмга қарши саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга чақирди.

1995 йил 15 сентябрь. Шу куни Тошкентда Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган семинар иш бошлади. Президент Ислом Каримов унинг иштирокчилари олдида сўзга чиқиб, халқаро ҳамжамиятни терроризм ва наркобизнесга доир маълумотларни мар-казлаштирувчи ягона ахборот тизимини шакллантиришга чақирди.

1999 йил ноябрь. Истанбул саммитида Юртбошимиз терроризмга қарши кураш халқаро марказини барпо этиш таклифини илгари сурди.

Лекин "қўли узун" давлатлар ўша пайтлари бу даъватларни эътиборсиз қолдиришди. Ва айни уларнинг бошларига кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даҳшатли фалокатлар тўфони ёпирилди. 2001 йилнинг 11 сентябрь куни АҚШнинг энг йирик шаҳарларида уюштирилган террорчилик хуружлари уларнинг кўзларини очди. АҚШ ва унинг иттифоқчилари 7 октябрда ўзлари гўёки халқаро терроризмнинг ўчоғи ҳисоблашган Афғонистон мамлакатида аксил-террор ҳаракатини бошлашди. Лекин, мана олти йил бўлаяптики, на Афғонистонда, на Ироқда ва на дунёнинг бошқа минтақаларида терроризм "илдизи билан" юлиб ташланишига муваффақ бўлингани йўқ. Аксинча, жаҳоннинг турли шаҳарларида террористик ва экстремистик чиқишлар тобора ортиб боряпти. Қонли портлашлар нафақат Ироқ, балки Европа, Осиё ва Америка қитъаларининг катта-катта шаҳарларини ҳам бот-бот титратиб турибди.

Айни шу жараёнда ниҳоятда ташвишли бир ҳолат тобора жиддий тус олиб бораётир. Биз бу ўринда халқаро терроризм ва экстремизмга номақбул тус, сифат беришга уринишлар кучайиб бораётганлигини назарда тутмоқдамиз. Учинчи минг йиллик остонасида ислом диний экстремизми ва террорчилик ҳаракати ҳақида турли оммавий ахборот воситалари ва халқаро минбарларда бонг урила бошланди. Шу тариқа Ислом дунёси яна бир жиддий синовга, хавфли бир хатарга сунъий равишда дучор қилинмоқда. Замонавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, турли ёвуз кучлар, диний-экстремистик оқимлар ва ҳаракатлар, айниқса, Марказий Осиё минтақаси давлатларига, уларнинг мустақил ривожланиш йўлига таҳдид солмоқдалар, манфаат доираларини кенгайтиришга интилмоқдалар.

Лекин биз ҳар доим огоҳ туришимиз, халқаро терроризм ва наркобизнес корчалонларининг ҳар қандай кирдикорларини вақтида илғаб олишимиз ва уларга қарши ҳамкор ва ҳамнафас кучларни жипслаштиришимиз керак. Айниқса, ёшларни, ўғил-қизларимизни турли зарарли таъсирлардан асраш, уларни мустақиллик ғоялари, она-Ватанимизга, халқимизнинг азалий қадриятларига муҳаббат ва садоқат руҳида тарбияламоқ, баркамол янги авлодни камол топтирмоқ ниҳоятда муҳимдир. Зеро, улар бугун барпо этилаётган демократик фуқаролик жамиятида яшайдилар, келажаги буюк Ўзбекистонимизда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларнинг эртанги кундаги бошқарувини улар ўз қўлларига оладилар.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ.

Ҳурматли муштарийлар!

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябридаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида нақд пул муомаласининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш мақсадида вилоят ташкилот ва корхоналарида пластик карточкалар орқали ишчи-ходимларга иш ҳақи тўланишини кенгайтириш тадбирлари олиб борилмоқда.

Ҳисоб-китоб қилишнинг замонавий ушбу турининг бир қатор афзалликлари мавжуд. Жумладан, жаҳон андозаларига мос келадиган нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимидан чакана савдо, коммунал хизматларга ва хизматларнинг бошқа турларига ҳақ тўлашда унумли фойдаланиш мумкин.

Вилоят аҳолисининг талаб ва истакларини қондириш, пластик карточкалар орқали керакли истеъмол товарларини харид қилиш учун қулайликлар яратиш мақсадида шаҳар ва туман ҳудудларидаги савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида, коммунал тўловларини қабул қилувчи банк шохобчаларида ўрнатилган терминаллар ҳақидаги маълумотлар маҳаллий оммавий ахборот воситаларида мунтазам чоп этилмоқда.

Ҳурматли муштарийлар! Сиз пластик карточкалар орқали коммунал тўловларни амалга оширишингиз ва савдо корхоналаридан кўнгилли харид қилишингиз мумкин.

Пластик карточкалар орқали тўловларни амалга оширишда юзага келган муаммолар ҳақида 133-46-36, 139-29-19 телефонлар орқали хабар беришингиз мумкин.

Тошкент вилояти ҳокимлиги.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2007 йил 3 апрель куни соат 11.00 да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, М. Ўразбоев кўчаси, 1-а уй, Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) биносининг савдолар залида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент вилояти Бекобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. Бекобод тумани, «Хос» фермерлар уюшмасида сақланаётган, КАМАЗ-5511 русумли, давлат рақами 11 AQ 652, 1985 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси – 1 215 000 сўм.
2. Бекобод тумани, Зафар қўрғонида сақланаётган, ВАЗ-2121 русумли, давлат рақами 11 AN 128, 1990 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси – 447 000 сўм.
3. Бекобод тумани, «Далварзин» фермерлар уюшмасида сақланаётган, Дамас русумли, давлат рақами 11 AN 129, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси – 1 840 380 сўм.
4. Бекобод тумани, «Улуғбек» фермерлар уюшмасида сақланаётган, ГАЗ-5204 русумли, давлат рақами 11 AQ 547, 1985 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси – 5 531 131 сўм.

Ушбу автотранспорт воситалари сотилмаган тақдирда 2007 йил 5, 10, 12, 17, 19, 24, 26 апрель, 1, 3, 8, 10, 15, 17, 22, 24, 29, 31 май кунлари ўтказиладиган такрорий аукцион савдосига қўйилишини маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар (юридик ва жисмоний шахслар) объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини РКМБнинг АТИБ "Ипотекабанк" Шайхонтоҳур филиалидаги МФО: 00425, ИНН 200933850; 20210000500571452057 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Телефонлар: 399-79-52, 133-28-52.

Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 №000004.

БАҲАМЖИҲАТЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК

Инсоният яратилибдики, одамларнинг кўнглини олиб, уларни бирлаштириш, соф фикрлилик ва эзгу ишлар орқали барқарорликка эришиш кишилик жамиятлари даҳоларининг интилишлари, орзу умидлари ва даъватларида ифодаланмоқда. XXI аср арафасида мустақил Ўзбекистон ҳам ўзига хос йўл билан дунё ҳамжамиятига қадам қўйди. Тараққиётнинг давлатимиз раҳбари таърифлаб берган беш тамойили, айниқса, кучли ижтимоий ҳимояга қаратилган чора-тадбирлар ўтиш даврининг зарбаларини енгиллатишга йўл очди, Ўзбекистон халқида мамлакатимизнинг буюк келажагига ишончни кучайтирмоқда.

Лекин глобаллашув жараёнлари, халқаро терроризм ва диний экстремизм ёвузликлари, гиёҳвандлик ва наркобизнеснинг хуружи жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда, инсоният тараққиётига, шу жумладан, Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни барпо этиш жараёнларига таҳдид солмоқда.

Шундай бир шароитда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидек, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат, мамлакатимиз истиқболига ишонч туйғуларини чуқур сингдириш масалалари долзарб аҳамият касб этмоқда. Шуни ҳисобга олиб, касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмасининг кенгаши «Миллий ғоя тарғиботи ва Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатларини ҳимоялаш Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракат дастурининг асосий йўналиши сифатида» мавзусида махсус машғулот ташкил этди. Бу ўқув машғулотида вилоят касаба фаоллари иштирок этишди.

Иштирокчилар миллий ғоя ва Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатлари, миллий ғояни тарғиб қилишнинг шакл ва услублари, касаба ташкилотларининг Ижтимоий ҳимоя йилидаги вазифалари, диний экстремизм ва миссионерлик оқимлари, уларга қарши кураш масалаларига бағишланган маърузаларни тинглашди. Тошкент Давлат аграр университетининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори, профессор Иброҳим Хўжамуродов, Республика маънавий тарғибот маркази раисининг ўринбосари, филология фанлари номзоди Султонмурод Олимов, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг бўлим мудири Асқарали Султонов маъруза билан чиқишди.

ИНСОНПАРВАРЛИК – БОШ МЕЗОН

Азалдан имон-эътиқодли, меҳр-оқибатли халқмиз. Аждодларимиз барча замонларда имон бутлигини сақлаб, келажакка умид билан яшаганлар, инсоният маданиятини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшганлар.

Ўқув машғулоти мобайнида шу жиҳатларга алоҳида урғу берилиб, бутун тарбиявий ишни одамлар онгишуурига озод Ватан билан фахрланиш, демократик фуқаролик жамияти, ягона оила туйғусини сингдиришга йўналтириш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди. Хўш, касаба ташкилотлари бу борада қандай имкониятларга эга? Ҳозирги пайтда одамлар билан ишлаш, уларни тарбиялашнинг қандай омилларидан фойдаланилмоқда.

– Муҳими, одамларга доимо яқин бўлиш, узвий алоқада ишлаш лозим, – дейишди ўқув иштирокчилари. – Айниқса, ҳаётда қоқилган, адолатсизлик олдида ноилож қолган, ишлаб чиқаришда жабр кўрган одамларни эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Шу боис вилоят касаба ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, тармоқ касаба органлари етакчиларининг эътиборини ҳамиша одамлар орасида бўлиш, уларнинг талаб ва эҳтиёжларига ҳозиржавоблик масалаларига қаратиб келмоқдалар.

Маълумотномадан: «Сўнгги йилларда вилоят касаба органлари меҳнаткашлардан 2671 та хат, ариза ёки шикоят олди. Ишлаб чиқаришда шикастланганлик учун товон пули нотўғри тўланганлиги, ишдан ноқонуний бўшатиш ёки қисқартириш, меҳнат шароитларининг номувофиқлиги, иш ҳақининг вақтида тўланмаслиги хусусидаги мурожаатларнинг 80 фоизи ижобий ҳал қилинди».

Ишловчи ва уларнинг оила аъзоларини, ўқувчилар ва талабаларни, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида бу ишлар кенг кўлам касб этди. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига касаба органлари 300 миллион сўмдан кўпроқ моддий ёрдам кўрсатди. Вилоят бўйича бир йилда 8800 ишловчи имтиёзли соғломлаштирилиб, 293 пенсионерга санаторий ва даволаш уйларига йўлланмалар бепул берилди. Айни шу мақсадлар учун касаба ташкилотлари 803 миллион сўм сарфлади.

Ижтимоий ҳимоя йилида бундай саъй-ҳаракатларнинг янада кенг кўламли дастурини амалга оширишга киришилди.

Инсонпарварлик, инсоннинг қадр-қимматини кўтариш – миллий ғоянинг асосини ташкил этиб, унинг амалдаги кўриниши янгиланаётган жамиятимизда шу тариқа намоён бўлаётир.

АНИҚ МАҚСАДНИ КЎЗЛАБ

Ижтимоий ҳимоя йилида ишчи-хизматчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга эътиборни кучайтирдик. Бу ишнинг йўналишлари ва кўламлари жамоа шартномасида аниқ белгилаб қўйилди. Ҳам маъмурият, ҳам касаба қўмитаси ўз имкониятларини уйғунлаштириб, кам таъминланган, моддий ёрдамга муҳтож ишчи-хизматчилар турмушини яхшилаш чораларини кўрмоқдалар.

Аввало, ходимлар учун яратиладиган имтиёзларни кенгайтирдик. Ҳозир ходимларимиз иш даврининг сурункалилиги бажарилган иш сифати ва ҳажмига қараб, шунингдек, ишдан ташқари вақтда бажарилган иш учун ҳам ҳақ олаётирлар. Энг муҳим имтиёз ишловчилар ва уларнинг оила аъзоларини даволаш, соғломлаштириш ва дам олиш учун тўловлардир. Яна бир жиҳат – ижтимоий шерикчиликнинг самараси иш ҳақи вақтида ва тўлиқ тўланишга эришилаётганлигидадир.

Маъмурият билан ҳамкорликни кучайтириб, Ижтимоий ҳимоя йилининг дастурини тўла амалга ошириб бориш учун барча имкониятларни сафарбар этмоқдамиз.

Галина ТРУШИНА,
«Ўзкимёсаноатлойиҳа» институти касаба қўмитаси раиси.

КЎНГИЛЛАРГА ЙЎЛ

– Глобаллашув халқаро майдонда мафкуравий ва ғоявий курашни кучайтириб юборган ҳозирги пайтда, – деди касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раиси Муҳайё Тўлаганова машғулотни бошлаш чоғида, – маънавий-маърифий ишларнинг савияси, уни олиб боришдаги изчилликка талаб ошмоқда. Давлатимиз раҳбарининг қарорида айни шу жиҳат таъкидланиб, миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш вазифалари аниқравшан белгилаб берилди. Уларни бажаришнинг 2006-2008 йилларга мўлжалланган дастури қабул қилинди. Ишчи гуруҳлари бу жараённи изчил мувофиқлаштириб бораётир.

Маълумотномадан: «Касаба уюшмалари ўқув марказида «Мустақиллик менинг тақдиримда» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Миллий ғоя тарғиботини ташкил этишнинг усул ва услубларига бағишланган тажриба алмашиш учрашуви касаба фаолларининг ташкилотчилик малакаси ошишига хизмат қилди».

– Лекин эътироф этишимиз керакки, бу муҳим йўналишдаги саъй-ҳаракатларимиз ҳали давр талабларига жавоб бермайди, – сўзини давом эттирди раис. – Бир қатор касаба ташкилотларида ўз аъзоларини қадим маънавий меросимиз, миллий анъаналар ва қадриятлар билан таништиришга эътибор ҳамон суст. Айрим фаолларимиз ҳамон ўзибўларчилик, совуққонлик, бепарволик гирдобидан чиқиб ололмаганлар. Гоҳи фаолларимизда янги шароитда ишлаш иродаси, билимдонлик етишмаяпти.

Табиийки, бунинг оқибатида у ёки бу жойда ғоявий бўшлиқ пайдо бўлади.

Ўқув жараёнида таъкидландики, миллий ғоямизга, қадриятларимиз ва маънавий тамойилларимизга ёт ғоявий оқимлар, диний экстремистик нуқтаи назарларни тарқатишда айни шу бепарволик ғанимларимизга қўл келмоқда. Улар одамлар, айниқса, ёшларнинг дунёқарашига таъсир ўтказиш учун ҳамма имкониятлардан фойдаланмоқдалар.

– Дунёда манфаатлар кураши шиддатли тус олаяпти, – деди профессор Иброҳим Хўжамуродов. – Инсоният XXI асрга катта ютуқлар ва орзу-умидлар билан кириб келди. Лекин қатор муаммоларни ҳам илаштириб ўтди. Экстремизм, терроризм, миссионерлик ҳаракатлари асосида жамиятдаги барқарорликни бузиш, одамлар ўртасида парокандалик, ялпи қўрқув муҳитини туғдириш нияти ётибди. Шу тариқа, жумладан, Марказий Осиёдаги ёш мустақил мамлакатлар, хусусан, Ўзбекистоннинг суверен тараққиёт йўлига таҳдидлар кучаймоқда.

Тингловчиларга ўзини Ислом озодлик партияси деб атовчи «Хизбут таҳрир», ваҳҳобийлик, «Ал-Қоида», акромийлар ҳаракатларининг моҳияти ва мақсади тўла очиб берилди. Уларнинг ёт қарашларни тарғиб қилиш усуллари баён этилди. Ёт оқимлар ахлоқ-одобни бузувчи, шарм-ҳаёни сусайтирувчи аудиокассеталар, фаҳш ва зўравонликни тарғиб қилувчи видеофильмларни ёшларга тиқиштирмоқдалар. Ўз нуқтаи назарларини ўғил-қизларимиз онгига сингдириш учун, ҳатто, турли рамзлар туширилган кийим-кечаклардан ҳам фойдаланмоқдалар.

Ибрат

Меҳнат инсонни улуғлайди. Бу шунчаки гап эмаслигини, янгиланаётган жамиятимизда ҳар бир киши иқтисодиётни юксалтиришга қўшаётган ҳиссасига қараб ҳурмат-эътибор топишини тасдиқловчи мисоллар корхонамизда кўплаб топилади.

МЕҲНАТИМ – ФАХРИМ

Чунончи, бизда ишчи-хизматчиларимиз сурункали меҳнатлари, ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга қўшаётган ҳиссалари, касб малакаларини муттасил ошириб бораётган ходимларга ташаккурномалар эълон қилиш, фахрий унвонлар билан сийлаш, уларнинг энг муносиблари суратларини эса, корхонанинг ҳурмат хиёбонига жойлаштириш яхши анъана бўлиб қолган.

Баъзилар «Бунинг қандай нафи бор?» деб сўрашлари мумкин. Нафи ниҳоятда катта. Иш фақат йиғилишда ташаккурнома ҳақидаги буйруқни ўқиш билан кифояланмайди. Маъмурият ва касаба қўмитасининг ташаккурномасини олган ходим энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдорида мукофот ҳам олади.

Хурифа ҚОСИМХЎЖАЕВА,
«Электрокимёсаноат» очиқ акциядорлик жамияти касаба қўмитаси раисининг ўринбосари.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ВА ДАВР

ВАТАНГА САДОҚАТ ТУЙҒУСИ БИЛАН

«Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик жамияти бирлашган касаба қўмитаси раиси Абдуносир Қаюмов:

– Ангрен кўмир конларида турли миллат фарзандлари меҳнат қилишмоқда. Улар ягона оила – Ўзбекистонни ўз она-Ватанлари деб биладилар. Унинг иқтисодий равнақи учун кучларини ҳам, билим ва тажрибаларини ҳам аямай меҳнат қилмоқдалар. Ҳар куни конлар қаъридан юзлаб тонна Ангрен кўмири қазиб олиниб, истеъмолчиларга жўнатилаётир.

Албатта, кўмир конларида меҳнат қилиш осон эмас. Шуни ҳисобга олиб, бирлашган касаба қўмитаси ишчи-хизматчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилинишини таъминлаш, ишловчилар учун қўшимча имтиёзлар ва тўловлар белгиланишига эришиш чораларини кўрмоқда. Натижада меҳнат шартномасида айни шу йўналишларда аниқ ва салмоқли чора-тадбирлар кўзда тутилиб, маъмурият томонидан оғишмай амалга оширилаётир.

Моддий манфаатдорлик ишчи-хизматчиларни унумли меҳнат қилишга рағбатлантиради. Шуни ҳисобга олиб, жамоа шартномасига мувофиқ мўмай иш ҳақидан ташқари турли кўринишдаги мукофотлар ва бошқа қўшимча тўловлар, иш вақтидан ташқари меҳнат учун устамалар тўланмоқда. Ёлғиз беморларга даволаниш учун 50 миллион сўмдан кўпроқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Бундай эътибор ҳар бир шахтёрнинг ватанпарварлик, она-Ватанга садоқат туйғусини кучайтириши табиий. Бу ғамхўрликни улар ўз турмушларида кўриб турибдилар.

Сўз – машғулот қатнашчиларига

ТАРҒИБОТДА БЎШЛИҚ ЙЎҚ

Вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бирлашган касаба қўмитаси раиси Улуғбекхўжа Ҳамзаев:

– Ватанга садоқат, фарзандлик бурчини ҳис этиш баркамол инсон фазилатларининг асосий негизи ҳисобланади. Шунинг учун касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий тарбияси масалалари билан узлуксиз шуғулланилади. Деярли ҳар бир дарс машғулоти шундай тарбия элементларига эга. Гап фақат улардан ўрни билан, оқилона фойдаланишда. Айни шу жараёнда устозлар – ўқитувчи ва мураббийларнинг педагогик масаласи, маҳорати намоён бўлади.

Замонавий таълим-тарбия баркамол, халқимизнинг қадим анъаналари, ўзига хос одобини пухта ўзлаштириб олиб, уларни ўз яшаш тарзига, хатти-ҳаракат тамойилларига айлантирган ёшларни тарбиялашга хизмат қилади. Лекин афсуски, кўпинча тарбиячиларнинг уқувсизлиги, малакасизлиги, қунт ва чидамнинг етишмаслиги оқибатида тарбия жараёнларида бўшлиқ пайдо бўлади. Бу ҳолатдан эса, табиийки, ёт оқимлар, турли диний уюшмалар дарҳол фойдаланишади. Улар ҳали ўзини таниб олмаган, дунёқараши мукаммал шаклланмаган ўғил-қизларни ўз таъсир доираларига олишга ҳаракат қилишади. Уларнинг тарғиботлари ишончсизлик, умидсизликни кучайтиради. Чекиш, гиёҳвандликка ружу қўйиш ва турли ҳуқуқбузарликлар мана шу эътиборсизлик оқибатидан бошқа нарса эмас.

Биз мана шундай ҳаракатларнинг олдини олиш учун тарбиявий фаолиятнинг барча шаклларидан фойдаланмоқдамиз. Коллеж талабалари учун маънавий-маърифий суҳбатлар, ибратли тақдир эгалари бўлган замондошларимиз, шоирлар, ёзувчилар ва олимлар билан учрашувлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари, дин арбоблари билан давра суҳбатлари ўтказаётирмиз.

Турли танловлар ҳам ўқувчиларимизни маънавий камол топтиришга хизмат қилмоқда. Фольклор ансамбллари, бадиий ва ҳаваскорлик, тасвирий санъат кўрик-танловлари, спорт мусобақалари ва спартакиадалар ёшларнинг бўш вақтларини фойдали ташкил этишга ёрдам бераяпти. Коллежлардаги «Маънавият ва маърифат» хоналари, қизиқишлар бўйича клублар ҳам болаларимизни чиниқтириб, уларни турли ёт оқимларга қарши курашишда тоблаяпти.

ФАОЛИЯТ ҚАМРОВИ КЕНГ

Аъзолари онгли, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол, халқимизнинг ватанпарварлик анъаналарига садоқатли жамият ёт оқим ва кучларнинг ҳар қандай хуружларига қарши тура олади. Шундай инсонларни тарбиялаш жараёнида касаба ташкилотлари фаол қатнашмоқдалар.

Шу мақсадда оммавий-маданий, маънавий-маърифий ишларнинг барча шакл ва услубларидан кенг фойдаланиляпти. Олмалиқ ва Бекобод металлурглари, Чирчиқ кимёгарлари, Ангрен кончиларининг маданият саройлари, клублар ва кутубхоналарда бу борада муайян тажриба орттирилган.

– Миллий ғоя тарғиботи ниҳоятда серқирра жараён, – дейди касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Эътиборхон Раҳмонова. – Бу ишларни хотин-қизлар қўмиталари, «Маҳалла», «Нуроний» ва бошқа жамғармалар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг маҳаллий бўлимлари билан яқин ҳамкорликда олиб бормоқдамиз.

Бундай ҳамкорликнинг кўринишлари ниҳоятда серқирра. Чунончи, Чиноз тумани касб-ҳунар коллежларида «Маънавият ва маърифат» хоналари янги адабиётлар ва бошқа тарғибот воситалари билан тўлдирилди. Бу хоналарда ёзувчилар, маданият ва санъат намоёндалари, тақдири ибратли кишилар билан учрашувлар анъанавий тус олди. Бундай учрашувлар миллий ғоя ва миллий мафкурани ёшлар учун чиниқиш сабоқларига айланиб, она-Ватанга муҳаббат, миллий анъаналарга садоқат ҳис-туйғуларини уларнинг онгига сингдирмоқда.

Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Бўстонлиқ туман ташкилотларида «Касаба уюшмалари терроризм ва экстремизмга қарши курашда асосий таянч» мавзуида ялпи йиғилишлар ўтказилди. Уларда кенг жамоатчилик халқаро терроризм, диний экстремизм ва бошқа ғайриқонуний оқимларнинг моҳияти, ғайриинсоний иллатлари ва ёвуз ниятлари билан таништирилди. Ўртачирчиқ туман кенгаши эса, 300 га яқин аёлнинг Бухоро шаҳрига саёҳатини уюштирди. Тошкент Давлат аграр университети касаба қўмитаси эса «Ватан» ҳафталигини ўтказди. Унинг доирасида талабаларнинг Темурийлар даври тарихи давлат музейи, Ўзбекистон тарихи музейи, Санъат музейи, Шаҳидлар майдонига экскурсиялари, Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди. Оққўрғонда жиноят ишлари туман суди мутахассислари билан қурилиш коллежи талабаларининг давра суҳбати ёшлар ўртасида диний экстремизм, ақидапарастлик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларига бағишланди. Деярли барча бошланғич касаба ташкилотларида ҳуқуқий мавзуларда суҳбатлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

– Янгиланаётган жамиятимиз ҳаётида касаба уюшмаларининг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда катта, – деди вилоят бирлашмаси кенгашининг раиси Муҳайё Тўлаганова. – Ҳозирги пайтда вилоят касаба ташкилотлари ўз сафларига 500 мингдан ортиқ ишловчини бирлаштириб турибди. Меҳнат жамоаларида 2 мингдан зиёд бошланғич ташкилотлар иш олиб бораётир.

Ишловчилар, уларнинг оила аъзоларини маънавий-ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш, инсон қадр-қимматини кўтариш, меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоялашни кучайтириб, улар бош миллий ғоя – миллатлараро тотувликни, жамиятда бирлик, баҳамжиҳатлик ва барқарорликни мустаҳкамламоқдалар. Ўзбекистон халқини ташкил этувчи 136 миллат ва элатни қовуштириб, иқтисодиётни юксалтиришга, ишлаб чиқаришни модернизация қилишга отлантиришда касаба ташкилотларининг таъсири кучайиб бормоқда.



ҲАР БИР КИШИ – ЭЪТИБОРИМИЗДА

Агросаноат мажмуаси ходимлари касаба уюшмаси Ўртачирчиқ туман кенгаши раиси Элдор Сайфуллин:

– «Ҳеч бир киши эътибордан четда қолмаслиги керак!» – бизнинг ўтиш давридаги шиоримиз шундай. Қишлоқда иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлаштирилиши, ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжаликларининг ташкил қилиниши туфайли ишсизликнинг кучайиши кузатилаётган бир пайтда бу шиор янада муҳим аҳамият касб этаётир.

Биз қишлоқлардаги таркибий қайта қуришлар мобайнида касаба аъзоларимизни «йўқотиб» қўймаслик ҳаракатида бўлаяпмиз. Шу мақсадда тумандаги 12 та ҳудудда бошланғич касаба ташкилотлари туздик. Умуман, бугунги кунда туманимиз агросаноат мажмуида 37 та бошланғич ташкилот иш олиб бормоқда. Уларга 14 мингга яқин деҳқон, чорвадор, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ходимлари бирлашган. Ўртасарой, Қорасув, Дўстлик, Уйшун, Пахтаобод ва бошқа ҳудудларда ташкил этилган 610 фермер хўжалигида ишловчи ходимлар ҳам касаба ташкилотларига бирлаштирилди. Аввало, меҳнат шартномалари орқали уларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинмоқда. Қолаверса, касаба қўмиталаримиз ҳар бир ишловчининг турмуш шароитини ўрганиб, муҳтож оилаларга манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш чораларини кўришмоқда.

Чунончи, Ҳомийлар ва шифокорлар йилида кам таъминланган оилаларга 890, кўп болали оилаларга 600, ногиронларга 1,2, уруш ва меҳнат фахрийларига 1,4 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Саҳифани «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари Жўра САЪДУЛЛАЕВ ва Еркебой БОТИРОВ (суратлар) тайёрлашди.

Спорт | Спорт | Спорт | Спорт

БАЛЛИ, ЙИГИТЛАР!

Россиянинг Уфа шаҳрида бокс бўйича ўтган халқаро турнирда мезбонлардан ташқари Германия ва Ўзбекистондан келган жами 100 нафарга яқин боксчи 11 вазн тоифасида ғолиблик учун рингга чиқди.

Уйғун Сиддиқов мураббийлик қилаётган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Барча рақибларини мағлубиятга учратган Илҳом Соатов ва Шерзод Абдураҳмонов олтин медални қўлга киритди. Финалгача етиб келган Комрон Қосимов, Мрав Азарян, Шариф Айтбоев ва Аҳрол Миралимов кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, Адҳам Қозоқов ва Баҳром Фаёзов шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Нуфузли мусобақада икки олтин, тўрт кумуш ва икки бронза, жами саккизта медаль жамғарган ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

ЎзА.

Пойтахт вилоятидаги Тошкент бирлашган техник мактаби трассасида автоспорт пойгалари ўтказилди.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Мазкур турнир Ўзбекистон миллий автомобиль федерацияси, Ўзбекистон мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ҳамда "Ўзавтотеххизмат" ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилди. Мусобақада мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган жами 23 нафар спортчи трассада ўз маҳоратини намойиш этди.

Автоспортда турли тоифалар мавжуд, бироқ улар орасида энг экстремалларидан бири ралли-кросс пойгаларидир. Қизғин баҳсларга бой бўлган мусобақада пойтахтлик Игор Сой биринчи, Тошкент бирлашган техник мактаби аъзоси Сергей Алимов иккинчи, Юнайтед мотор спорт клуби шарафини ҳимоя қилган Илия Лудафсиков учинчи ўринни қўлга киритди. Шахсий автомобиль эгалари баҳсида «Нексия» русумидаги автоуловда қатнашган наманганлик Алик Куликов биринчи ўрин соҳиби бўлди. Руслан Жумаев эса иккинчи ўрин билан кифояланди.

Рустам Ҳайдаров, "Туркистон-пресс"

ЙИГИРМАГА ЯҚИН ВАЗН ТОИФАСИДА

Тошкент шаҳридаги «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуасида спортнинг каратэ тури бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Унда 1989-99 йилларда туғилган спортчилар 20 га яқин вазн тоифасида якка ва кумитэ йўналишлари бўйича беллашишди. Якуний натижаларга кўра, Тошкент шаҳри, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Самарқанд вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси терма жамоалари вакиллари ўз тенгдошларидан анча устунликларини намойиш этишди.

СУРАТДА:

ғолибларни тақдирлаш маросими.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Кўз очаётган булоқлар

ОҚ ЙЎЛ

Мухлиса шеърларини олдимга олиб келганда ҳали 6-синфда ўқир эди. Унга керакли маслаҳатларни бериб турдим. Ёзганларини биргаликда кўриб, муҳокама қилиб бордик. У ҳозир Ўртачирчиқ туманидаги 14-мактабнинг 9-синфида ўқийди. Ёзганлари равон тортиб бораяпти. Айниқса, унинг шеърларида манзара топишга интилиш бор.

Шеър ёзган билан ҳамма шоир бўлиб қолмайди, албатта. Бунинг учун жуда кўп йиллар тинимсиз меҳнат қилиш керак. Мухлиса қизимга шу ҳақда айтиб, унинг шеърларидан сизга ҳам илиндим, азиз газетхонлар.

Ҳамид НОРҚУЛ, шоир.

МЕН ВАТАННИ АНГЛАЯПМАН

Деразамдан мўралар,
Дарахт ортидаги ой.
Новдадаги куртаклар
Очиб бормоқда чирой.

Булут йиғлаб қолади,
Хафами ё қуёшдан.
Гиёҳ униб чиқади
Унинг тўккан ёшидан...

* * *

Келинчакка ўхшар баҳор,
Ёз ўхшайди тандирга.

Пишган нонни кўтариб
Куз ҳам кетди адирга.

Сўнгра оппоқ тўшакни
Тўшаб қўяр кумуш қиш.
Қор тагида ётолмай
Безовтадир энди иш.

* * *

Ҳар ишимдан кўнглим тўлса,
Одамларга меҳрим бўлса,
Йўлларимда қуёш кулса,
Мен Ватанни англаяпман...

Юлдузлар, ой йўқолган,
Тун ҳам қайга йўл олган,
Қуёш гўё тўр солган,
Ажойиб тонг отмоқда.

Келинчаклар сув сепар,
Оналар кулча ёпар,
Пешонамдан нур ўпар,
Мусаффо тонг отмоқда.

* * *

Дарахт аста тебранар,
Шивирлайди новдаси.
Майса, гиёҳ яшнайди,
Гўзалликнинг шайдоси.

Гулнинг юзида шудринг,
Худди маржон шодаси.
Унга юзин ювади,
Гўзал тонг шабадаси.

Мухлиса ХОЛМАТОВА.

БУРМАКИННИНГ ШАХСИЙ КЎРГАЗМАСИ

Тошкент фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби В. Бурмакиннинг "Компьюфо мўъжизалари" номли шахсий кўргазмаси очилди. Бурмакин 1938 йил Тошкентда туғилган.

У юртимизда қатъий қоида сифатида қабул қилинган фикрлаш тасаввурини ўзгартиришга эришган рассомлардан бири. У 1969 йил ўзининг илк шахсий кўргазмасини Тошкент билимлар уйида ўтказган эди. Бу галги кўргазмада ижодкорнинг етмишдан ортиқ асарлари намойиш этилмоқда. Ижодкор Англия, АҚШ, Болгария, Польша, Туркия, Франция, Россия, Германия каби давлатларда ўтказилган кўплаб кўргазмаларда ўз асарлари билан қатнашган. Бундан ташқари Германиянинг Гуммерсбах шаҳридаги ЭКЮ-Отель галереясида рассомнинг 200 га яқин асарлар тўплами сақланмоқда. Нью-Йорк ва Филодельфияда намойиш этилган шахсий кўргазмаси америкалик мухлисларда катта таассурот қолдирди. Тошкентдаги "Халқлар дўстлиги" саройи фасади, "Пахтакор" метро бекати, "Меҳнат захиралари" спорт мажмуаси биносидаги мозаика ва деворий безакларда ижодкорнинг ҳиссаси катта бўлган. Кўргазмада намойиш этилаётган асарларда томошабин тасаввурини жунбушга келтирадиган ижод маҳсуллари ўрин олган. Айниқса, баъзи асарларда анъанавий тасвирлаш тамойиллари билан комьпютер имкониятларини уйғунлаштиргани томошабин қизиқишини ортишига сабаб бўлмоқда.

«Туркистон-пресс».

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йил сентябрь ойида Қозоғистон Республикасига давлат ташрифи чоғида имзоланган 2006-2008 йилларда мамлакатларимиз ўртасида ўзаро маданий ҳамкорликни ривожлантириш дастурига мувофиқ Қ.Жандарбеков номидаги Жетисой қозоқ драма театри жамоаси 16-22 февраль кунлари Жиззах, Навоий ва Тошкент вилоятларида гастроль сафарида бўлди.

ҚОЗОҚ ТЕАТРИНИНГ САФАРИ

Театр жамоасининг пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида ўтган якуний концертида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча жабҳаларда, жумладан, маданият ва санъат соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган аҳдлашувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон ва Қозоғистон ижодий жамоларининг ўзаро гастролларининг уюштирилиши халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик, ҳамкорлик ва яхши қўшничилик алоқаларининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Концертда Жетисой қозоқ драма театри жамоаси томонидан ўзбек ва қозоқ халқларининг куй-қўшиқ ва рақслари ижро этилди. Театрлаштирилган томоша намойиш қилинди.

ЎзА.

Акс садо

ЭККАН НИҲОЛИМИЗ ЭГРИ ЎСМАСИН

«Ўқувчига сотка керак...ми?» мақоласини ўқиб... «Тошкент ҳақиқати»нинг доимий мухлиси сифатида аввало шуни айтмоқчиманки, сўнги вақтларда газета саҳифаларида ўқувчини мулоҳазага чорлайдиган мавзуларга тез-тез қўл урилмоқда. Хусусан, шу йил 20 январь сонида чоп этилган «Ўқувчига сотка керак...ми?» мақоласи ҳам кўпчилик ўртасида баҳс ва мунозараларга сабаб бўлгани сир эмас.

Мақола билан танишиб чиққач, ўзим мураббийлик қилаётган синф ўқувчилари билан эркин суҳбат ўтказдим. Уларнинг мавзу доирасидаги фикрларини дафтарга қайд этиб борар эканман, «Ўқувчи ўқиши, келажакда жамиятга фойда келтирадиган инсон бўлиб етишиши учун ортиқча нарсаларга чалғимай, билим олиши керак» деган жавобларидан ички бир қониқиш сездим. Тўғри, биз ривожланиб бораётган, ҳуқуқий жиҳатдан демократлашган давлатда яшаяпмиз. Лекин бу мактаб ўқувчиси мобиль телефонини чўнтакка солиб юриши керак деган гап эмас. Замонавий илм масканлари, улардаги янгича шарт-шароитлар маърифий соҳадаги ҳақиқий ривожланишдир. Ахир, булар фарзандларимизнинг биздан-да билимли, доно ва етук инсонлар бўлиб камол топишлари йўлидаги имкониятлар эмасми?

Шоли курмаксиз бўлмагани каби катталар ўртасида ҳам фарзандининг башанг кийинишига, уяли алоқа воситасидан фойдаланишига, бўш вақтини кўнгилочар кечаларда ўтказишига изн бериб келаётганлар йўқ эмас. Бундай ҳолатларда, албатта, ён-атрофдагилар эътиборсиз бўлмаслиги керак. Зеро, бир болага етти қўшни ота-она деган ибора ҳам бор.

Муқаддас ҚОБИЛОВА, Ангрендаги 73-махсус мактаб-интернат тарбиячиси.

Саломат бўлинг

ОДДИЙ ЖАРОҲАТ ЭМАС

Қутурган ит тишлаши туфайли заҳарланишдан ортиқ қўрқинчли ва даҳшатли касаллик бўлмаса керак.

Эътибор билан қарамаслик, бепарволик оғир фожиаларга сабаб бўлади.

Қутуриш касаллиги жуда қадимдан маълум. У марказий асаб тизимининг оғир шикастланиши билан кечади. Кейинчалик фалажлик ҳолати кузатилиб, ўлим билан тугайди.

Қутуриш касаллигига одамлар, барча сут эмизувчи ва иссиқ қонли ҳайвонлар чалинадилар. Итлар ва итсимонлар оиласига кирувчи — бўри, тулки, чиябўрилар қутуриш вирусларининг асосий тарқатувчилари ҳисобланади. Лекин сигир, от, қўй, эчки, чўчқа, мушук ва турли кемирувчилар ҳам касалликни юқтириши мумкин.

Бу касаллик кўпинча қутурган ҳайвон тишлаганида, шунингдек, унинг сўлаги янги ярага ва ҳатто терининг тирналган, кесилган ерларига ёки кўз, бурун шиллиқ пардаларига тушганида, қутурган ҳайвоннинг терисини шилиш чоғида, мия ва сўлак билан қўл ифлосланганда, ҳатто сўлак теккан жисмларга суйкалинганда ҳам одамга юқиши мумкин.

Одам танасига тушган вирус даставвал асаб ва улар атрофидаги суюқлик оқими бўйлаб, бош ва орқа мияга етиб боради, у ерда кўпаяди ва мия ҳужайраларини зарарлайди. Кейинроқ бошқа аъзоларга ва сўлак безларигача етиб келади, сўлак билан бирга ажрала бошлайди. Ит тишлаган пайтдан бошланадиган яширин даврнинг узоқ ёки қисқалиги яранинг қаерда бўлишига ва оғир-енгиллигига боғлиқ. Тишланган жой марказий асаб тизимига қанчалик яқин бўлса, яширин даврнинг қисқа ва бемор учун хавфли бўлади. Демак, бош, бўйин, қўл панжалари тишланганида касалликнинг ривожланиши жуда тез кечади.

Хўш, қутуриш касаллигига дучор бўлмаслик учун нималар қилиш керак?

Энг аввало ҳайвон тишлаган жойни совунлаб ювиб, йод эритмасини суртиш кейин стерилланган тоза бинт билан боғлаб, дарҳол шифокорга мурожаат қилиш керак. Ўз вақтида ва мунтазам эмлаш одамни қутуриш касаллигидан сақлаб қолишда бирдан-бир воситадир.

Шуни асло унутмаслик керакки, эмлаш даври ва эмлашдан кейин 6 ой мобайнида спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, эмлаш тартибини бузиш, ундан бош тортиш яхшиликка олиб келмайди. Эмлаш давом этаётган фурсатда киши ўта чарчашдан, ўта совуқдан сақланиши керак. Эмлаш тугагандан сўнг жабрланган одам бир йил мобайнида шифокор назорати остида туриши керак.

Ҳайвонлар, итлар, мушукларга тегинавермаслик, айниқса, болаларнинг ҳайвонлар билан ўйнашига йўл қўймаслик бу касалликка қарши курашда асосий омил ҳисобланади. Хонаки итларни тегишли қоидаларга риоя қилган ҳолда сақлаш керак. Ит занжирлаб боқилгани маъқул. Уларни кўчаларга бебошбоқ қўйиб юбориш қатъиян ман этилади. Ўйнатиш учун махсус бурундуқ тақиб, калта чилвирда олиб чиқиш тавсия қилинади. Кўчаларга қўйиб юборилган ит дайди, эгасиз ҳисобланади ва касалликни асосан шулар тарқатадилар.

Хонаки итларни рўйхатга олиш, уларни вақти-вақти билан кўрикдан ўтказиб туриш ва қутуриш касаллигига қарши эмлатиш, тегишли паспорт олиш лозим. Агар ит хонадон аъзоларини ёки қўшниларни тишлаб олса, дарҳол ветеринар шифокорга кўрсатиш тавсия этилади. Бундай ҳолда улар ўн кун мобайнида ветеринар назорати остида бўладилар.

Вилоятимизда ҳар йили олти мингдан ортиқ киши ҳайвонлар, асосан итларнинг тишлашидан жабр кўрмоқда. Уларга ўз вақтида ёрдам кўрсатиш, қутуришнинг олдини олиш тадбирларига катта маблағ сарфланмоқда. Бу хавфли касалликка қарши кураш чораларини амалга оширишда ҳар бир киши, кенг халқ оммаси фаол иштирок этиши зарур.

Т. ЗУФАРОВ, вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бўлим мудири.
Р. БАҲРОМОВ, шифокор-эпидемиолог.

Об-ҳаво

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 28 февраль куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб айрим жойларда туман тушади. Шимоли-шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 11-13, кундузи 0-2 даража совуқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларда туман тушади. Шимоли-шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 8-13 даража совуқ, кундузи 2 даража совуқ, 3 даража илиқ бўлади.

2006 йил 27 декабрда Янгийўл туман ҳокимлиги томонидан якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланувчи Мурод Абдухўжаев номига берилган юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги 41 № 1919 рақамли якка тартибдаги ёки деҳқон хўжалиги бўйича иш юритувчи тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Қибрай туманидаги 32-ўрта мактаб томонидан 1997 йилда Жўраева Холида Халиловна номига берилган 012793 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Қилмиш-қидирмиш

ПАКЕТЛАРДА САРҒИШ КУКУН...

Бугунги кунда дунё аҳлини ташвишга солаётган иллатлардан бири гиёҳвандликдир.

Ундан қанча оилалар азият чекмоқда. Айниқса, ёшлар ҳам билиб-билмай, гиёҳвандликка ружу қўймоқдалар. Шу боис мамлакатимизда давом этаётган ёшлар орасида гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги доирасида бир қатор тадбирлар олиб борилаётир.

Барча шаҳар ва туманларда маҳаллаларнинг вакиллари, посбонлар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирокида мактабларда, ўқув юртларида, гузарларда «Гиёҳвандлик — аср вабоси», «ОИТС касалликлари» каби мавзуларда учрашувлар, суҳбатлар ўтказилмоқда. Ўқувчилар, билим юртларининг талабалари учун викториналар ташкил этилиб, ўзаро беллашувларда гиёҳвандликнинг оқибатлари тўғрисида саҳна чиқишлари ҳам намойиш қилиняпти.

Яқинда Бекобод шаҳридаги 3-умумтаълим мактабида ана шундай тадбир ўтказилди.

Мутахассислар инсон саломатлигига кучли таъсир этувчи гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш оқибатлари ҳақида гапириб беришди. Видеофильмлар намойиш этилди. Таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган ўсимликларни ўстириш, етиштириш ва уни сақлаш, сотиш кечириб бўлмас жиноят эканлиги тушунтирилди.

Шунингдек, гиёҳвандлик моддаларини етиштириш билан машғул бўлган шахсларни аниқлаш, уларга кескин чоралар кўриш борасида ҳам тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, Бекобод шаҳар ички ишлар ходимлари ўтказган тадбир жараёнида ўзини Мақсуд деб таништирган йигит ва унинг шериги Б. Сафарбекнинг чўнтакларида полимер пакетларига ўралган оч сарғиш рангдаги тошсимон, кукунсимон моддалар борлиги маълум бўлди. Улар экспертизадан ўтказилганида биринчи пакетдагиси 88,5 грамм, иккинчиси 11,5 грамм, жами 100 грамм кучли таъсир этувчи героин гиёҳвандлик моддаси эканлиги аниқланди. Дастлабки суриштирув жараёнида йигитлар уни сотиш учун Бекобод шаҳрига олиб келгани ошкор бўлди.

Ҳозир ушбу ҳолат бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шерали АНВАРОВ, вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот маркази катта инспектори.

СканВорд



Тузувчи: Нурилло НЎЪМОНОВ.

Кулганга нима етсин?

Харидор сотувчидан сўради:

– Белкурак борми?

– Йўқ.

– Челак-чи?

– Челак ҳам йўқ.

– Ҳеч қуриса, мих топилар, мих?!

– Афсуски...

– Ие, ҳеч балоси йўқ дўконда нима қилиб ўтирибсиз, ёпиб кетмайсизми?

– Ёпиб кетардим-у, дўконни қулфлагани қулф ҳам йўқ...

В отношении ООО «OLMALIQ DOZ», находящегося по адресу: г. Алмалык, ул. Мустакиллик, 9., определением хозяйственного суда Ташкентской области по делу № 11-0706/942 от 09.02.2007 года введена процедура наблюдения. Временным управляющим назначен Файзиев Захид Шакирович.

Следующее заседание хозяйственного суда состоится 26 марта 2007 года в 10.30 в здании Таш.обл. суда (г. Ташкент, Чиланзарский р-н., квартал Ц, ул. Чупон ота, 6).

Собрание кредиторов состоится 19 марта в 10.00 в здании ООО «OLMALIQ DOZ».

Требования кредиторов принимаются по адресу: 100000, г. Ташкент, Главпочтамт, абонентский ящик № 334:

Для участия в заседании комитета кредиторов иметь при себе документ, подтверждающий личность, для физических лиц, нотариально заверенная доверенность для юридических лиц.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-53-09. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-139. Адади 9587. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

Ⓣ белгили материаллар - тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи - 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 1 2 3 4 5